



??????? ????????????????

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Икки кишининг таоми уч кишига кифоя. Уч кишининг таоми тўрт кишига кифоя», дедилар».**

*Икки Шайх ва Термизий ривоят қилганлар.*

Муслим ва Термизийнинг ривоятида:

**«Бир кишининг таоми икки кишига кифоя қилур. Икки кишининг таоми тўрт кишига кифоя қилур. Тўрт кишининг таоми саккиз кишига кифоя қилур», дедилар», дейилган.**

**Шарҳ:** Ушбу ҳадиси шариф Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг инсоний қадриятларни қанчалар юқори кўтарганларига яна бир ёрқин далилдир. Ислом таълимоти бўйича, гап дунёнинг матоҳида эмас, одамгарчиликдадир. Агар кишиларда бир-бирларини қадрлаш, бир-бирларига яхшиликни раво кўриш ўз ўрнида бўлса, бир кишига лойиқ таом бир неча кишига ҳам етади. Халқимиз мана шу ҳадиси шарифнинг руҳиятидан келиб чиқиб, «Бир майизни қирққа бўлиб ейиш» деган улкан ҳикматни айтган.

Бу ҳадиси шарифни «Жамоат таоми ва зиёфат ҳақида»ги фаслда биринчи бўлиб келтиришдан мақсад ҳам шу.

Муслмонлар одамгарчиликни қорин қайғусидан, моддий манфаатдан доимо устун қўйиб келганлар. Уларнинг ғоялари бўйича, таомнинг ҳузури ўткинчи нарса, одамгарчилик эса бандалар орасида боқий қолувчи ва бандаларни Роббилари ҳузурида мукофотларга сазовор қилувчи омилдир.

**«Ҳадис ва ҳаёт» китоби 16-жуз**

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 17 июндаги 03-07/3903- рақамли хулосаси асосида тайёрланди.